



АНДИЖОН ШАҲРИНИНГ “ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ МАДАНИЯТ ПОЙТАХТИ” ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ТАДБИРЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Аввало, сиз, азизларни Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган, кўҳна ва бетакрор Андижон шаҳрининг 2026 йилда “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилиниши доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод етаман.

Бугунги маросимда иштирок этаётган халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатларнинг элчилари, туркий дунёнинг атоқли маданият, адабиёт ва санъат намоёндаларини қизгин қутлаб, барчангизга юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ раҳбарияти ва Ташкилотга аъзо давлатларга Андижон шаҳрини “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилганилари учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, Андижон шаҳрининг бундай юксак шарафга муносиб кўрилганини Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданий-маънавий мероси, юртимизнинг туркий маданият ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар!

Ватанимизнинг шарқий дарвозаси бўлмиш Андижон асрлар давомида маданият, адабиёт, санъат ва ҳунармандлик соҳаларидаги марказлардан бири бўлиб келган. Бу

табаррук заминдан улуг саркарда ва давлат арбоблари, беназир алломалар, шоир ва адиблар, маҳоратли санъаткорлар етишиб чиққанини бутун туркий олам доимо миннатдорлик билан эътироф этади.

Бу ҳақда гапирганда, ушбу дилбар диёрнинг фахру ифтихори бўлган Бобур Мирзонинг улкан илмий ва адабий мероси, ҳарбий санъати, мумтоз шоиримиз Абдулҳамид Чўлпоннинг озодлик ва эркинлик қадри юксак пардаларда тараннум этилган ўлмас асарларининг ўзи кўп нарсадан далолат беришини таъкидлаш зарур. Миллий рақс санъатимизнинг ёрқин намунаси бўлмиш “Андижон полкаси”, одамларимизнинг беғубор қалби ва заковатини ўзида мужассам этган аския санъати нафақат бизнинг, балки бутун санъатсевар халқларнинг умумий маданий мулкига айланган десак, муболага бўлмайди.

Бу каби бебаҳо қадрият ва санъат дурдоналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, улардан ёш авлодимиз ва жаҳон маданий жамоатчилигини кенг баҳраманд этиш борасида ТУРКСОЙ билан яқин ҳамкорлиқни юксак қадрлаймиз. Бу борада энг сара адабий асарларни ўз ичига олган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” тўплами нашр этилиб, ўқувчилар кўлига етиб боргани, мамлакатларимизда биргаликда кўплаб илмий анжуман ва конференциялар, турли маданий тадбир ва тақдиротлар ўтказилаётгани, шу йилнинг апрель ойда Ислон цивилизацияси марказида ТУРКСОЙ офиси очилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистонлик санъат ва маданият намоёндалари бугунги кунда халқаро сахналарда, хусусан, ТУРКСОЙ томонидан ўтказилаётган нуфузли анжуманлар, фестивал ва танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг февраль ойида болалар рақс ва созандалик жамоаларимиз халқаро фестивалда Гран-прини кўлга киритгани барчамизни мамнун қилди.

Булarning барчаси халқларимизнинг тегран илдирига эга қардошлиқ ришталари бутун ҳам тобора мустаҳкамланиб бораётганини яққол намоён этади.

Қадрли анжуман иштирокчилари! “Андижон — Туркий дунёнинг маданият пойтахти” лойиҳаси доирасида бир йил давомида мамлакатимиз ва қардош юртларда ўтказиладиган фестивал ва илмий анжуманлар, бадий кеча ва ижодий учрашувлар маданий ҳаётимизда чуқур из қолдирадиган, дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлайдиган, ёш авлод учун кенг имкониятлар очадиган унутилмас воқеа бўлиб қолади деб ишонаман.

Сизларни яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, келгуси фаолиятингизга улкан зафарлар тилайман.

Ўзбекистон дурдонаси, олтин водий гавҳари — сўлим ва файзли Андижон шаҳрига хуш келибсиз, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 24 июнь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш муҳим эканини таъкидладилар.

Амалий ҳамкорлик, энг аввало, савдо, sanoat кооперацияси, энергетика, транспорт, экология, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида юқори суръат билан ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражадаги фаол алмашинувлар алоҳида эътироф қилинди. Етақчилар икки

мамлакат Президентлари Администрациялари ўртасида эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда шериклик кун тартибини янги лойиҳа ва ташаббуслар билан бойитишга хизмат қилаётган яқин ҳамкорлик йўлга қўйилганини олқишладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашиб, бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎЗА



ТАШАББУСЛАР КЕЛАЖАККА ИШОНЧНИ ОШИРАДИ

Президентимиз 23 июнь куни жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда турли соҳаларда амалга оширилаётган лойиҳалар ва жорий қилинган илгор ечимлар билан танишиш мақсадида Наманган вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга тез-тез таширф буюради ва улар ўша ҳудуд учун муҳим воқелик сифатида баҳоланади. Мамлакатимиз етакчисининг ҳар бир амалий сафари ҳудуд тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий ўсишига янги суръат бағишлайди. Зеро, ҳар бир таширф ортида аниқ мақсад ва улкан ғоялар мужассам. Янги ташаббуслар эса келажакка ишончни мустаҳкамлайди.

Сўнгги ўн йил ичида Президентимиз Наманган вилоятига бир неча бор таширф буюрди ва ҳар бир таширфдан кейин наманганликларнинг турмуш тарзи тубдан ўзгариб борди.

Наманган улкан имкониятларга эга бўлишига қарамай, ўзини ўзи тўлиқ таъминлай олмас, 2016 йилгача дотация олувчи ҳудудлар қаторида эди.

Иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган sanoat тармоғи етарлича ривожланмаган, соҳа жуда заиф бўлган. Йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар деярли мавжуд эмасди. Инвестиция жалб этиш энг мураккаб вазифалардан бири ҳисобланарди. Жалб этилаётган маблағлар ҳажми ҳам кам бўлиб, бунни жиддий ютуқ сифатида баҳолаш жуда қийин эди.

Вилоят даромадларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ҳисобига тўғри келарди. Лекин бугунги замонавий ва юқори

самарали аграр тизим ҳали шаклланимаганди. Шу боис, аҳолининг катта қисмини ташкил этувчи ёшлар учун муносиб иш ўринлари етишмасди. Натижада меҳнатга лаёқатли аҳолининг ташқи меҳнат миграцияси кучайганди.

Ҳозир бу манзара бутунлай ўзгарган. Чунки Президентимиз учун энг асосий мезон инсон, унинг манфаати ва ҳаётидир. Янги уй-жой, шахсий автомобиль, фарзандларга сифатли таълим, малалаки тиббий хизмат ва ёшларга муносиб иш ўринлари ҳар бир оила учун зарур ва бу давлатимиз раҳбари мақсад қилган ислохотлар самардорлигининг муҳим кўрсаткичидир.

➤ *Давоми 2-бетда*



АНДИЖОН ШАҲРИ – 2026 ЙИЛДА ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ МАДАНИЯТ ПОЙТАХТИ

Андижон туркий дунёнинг қадимий тарихга эга, ўзига хос ва гўзал шаҳарларидан. Бу замин дунёга машҳур олим ушорлар, зукко ва омилкор инсонлар, миришкор деҳқонлар ҳамда уста тадбиркорлар етиштирган. Қолаверса, Андижон ўзининг қадимий ва салобатли тарихи, бетакрор табиати, ўзига хос ривожланиш йўли, шунингдек, хушфёъл, ширинсўз ва меҳмондўст халқи билан ҳам ажралиб туради.

Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ раҳбарияти ва ташкилотга аъзо давлатлар қарори билан Андижон шаҳри 2026 йилда “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилинди.

➤ *Давоми 2-бетда*

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ, ТЎКИНЛИК ВА ҚУТ-БАРАКА ТИМСОЛИ

Бошоқ териб кун кўрган яқин ўтмиш сабоқлари ва бугунги ғаллачиликдаги натижалар ҳақида

Нон азалдан дастурхонимиз кўрки, қут-барака ва фаровонлик тимсоли сифатида қадрланади. Шу боис, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолини арзон, сифатли ун ҳамда нон маҳсулотлари билан таъминлаш алоҳида эътиборда.

Бугун бозорлару савдо расталаридаги қатор тизилган, турли нав ва чиройли ёрликлар билан безатилган ун маҳсулотлари, иссиқ тафти билан димоғни қитқилувчи нонлар тўкинликдан дарак беради. Энг муҳими, замондошларимизнинг кўзида эртанги кунга ишонч бор. Ҳеч ким “эртага ун топиладикан?”

деган хавотир билан яшамаяпти. Ҳозирги авлод учун бу манзара шунчаки оддий ҳолат, кундалик ҳаётнинг табиий оқимидек туюлиши мумкин. Аммо сочига оқ тушган, пешонасида йиллар асорати муҳрланган катта авлод вакиллари бугунги осойишталик ва тўкин-сочинликка осонликча эришилганини яхши билади.

Инсон табиати шундай — бошидан кечган оғир кунларни, машаққатларни тез унутади. Бироқ кеаги куннинг ачиқ сабоқларини эсламай туриб, бугунги тўкинликнинг асл қадрини, унинг замиридаги улуг меҳнатни англаб етиш мушкул.

➤ *Давоми 4-бетда*

ЖАМИЯТНИНГ ХОЛИС



Бугун дунёда кечаётган мураккаб жараёнларни бевоқифа кузатиш, уларга муносабат билдириш, ўзаро қийёслаш имкониятига эгамиз. Ижтимоий-сиёсий фаоллик ҳаётимизнинг муҳим жиҳатларидан бирига айланди. Бундай шароитда одамларнинг холис ва ҳаққоний ахборот, чуқур ва ишончли таҳлилларга эҳтиёжи ошди табиий. Бунда эркин матбуот, унинг тезкор ва холислиги муҳим аҳамият касб этади.

Матбуот эркинлиги сўз, шахс, виждон эркинлиги сингари муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири. У ОАВнинг эркин фаолият юритишига ҳеч бир тўсиқ бўлмаслигини, жамият аъзолари матбуотда фикр-мулоҳазаларини эркин ифода эта олишини таъминлайди ва бундан матбуотнинг жамият ҳаётидаги муҳим ўрни келиб чиқади.

“Эркин матбуот ҳақиқатнинг холис овози, адолатнинг кўзи, жамиятнинг виждони” деган фикрда муболага йўқ. Бундай матбуот ҳар қандай давлатнинг интеллектуал салоҳияти ва ички демократик тараққиётнинг асосий устуни бўлмоғи зарур. Жамият ўз вақтида эълон қилиниши зарур ахборотларга қанчалик оқиб бўлса, унда тинчлик, тотувлик бўлади, ижтимоий адолат юзага келади.

➤ *Давоми 3-бетда*

ТАШАББУСЛАР
КЕЛАЖАККА
ИШОНЧНИ ОШИРАДИ



Бошланиши 1-бетда

Бугун Наманган вилояти юқори даражада саноатлашган ва йирик ишлаб чиқариш объеклари ишга туширилиши ҳисобига миллий иқтисодиёт етакчиларидан бирига айlandи. Агросаноат мажмуаси модернизация қилинди, маҳсулотларни қайта ишлаш ҳажми ортиб бормоқда. Бу эса қўшимча қиймат занжирлари шаклланишига хизмат қилляпти.

Ёшлар масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда улар ахборот технологиялари, сунъий интеллект каби замонавий йўналишларда ўз ўрнини топмоқда. Айнан шу соҳаларда юқори даромадли иш ўринлари яратилляпти. Уларнинг меҳнати туфайли бугун вилоят катта ютуқларга эришмоқда.

Юқорида айtilган фикрларни рақамлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, сўнгги саккиз йилда Наманган вилоятида 40 мингта янги корхона ташкил этилди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 40 триллион сўмга етди.

Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи Наманган халқаро аэропортида барпо

ЎН ЙИЛ ОЛДИНГИ НАМАНГАН БИЛАН БУГУНГИСИ ЎРТАСИДА КАТТА ФАРҚ БОР. БУ ЎЗГАРИШЛАР ХАЛҚ МЕҲНАТИ, ТАШАББУСКОРЛИГИ ВА ИСЛОҲОТЛАРГА ИШОНЧ САМАРАСИДИР. ҲАҚИҚАТАН, ВИЛОЯТДА САНОАТ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА ИНФРАТУЗИЛМАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ВИЛОЯТНИ ЭНГ ТЕЗ РИВОЖЛАНАЁТГАН ҲУДУДЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНТИРМОҚДА.

этилаётган янги йўловчи терминали қурилишини кўздан кечириш билан бошланди. Шундан сўнг вилоятдаги бир қатор ишлаб чиқариш объектилари ва йирик лойиҳалар билан танишилди.

Ўн йил олдинги Наманган билан бугунгиси ўртасида катта фарқ бор. Бу ўзгаришлар халқ меҳнати, ташаббускорлиги ва ислохотларга ишонч самарасидир. Ҳақиқатан, вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси ва инфраструктурада амалга оширилаётган ишлар вилоятни энг тез ривожланаётган ҳудудлардан бирига айлантирмоқда.

Президентимизнинг уста деҳқонлар, фермер ва тадбиркорлар ҳамда жамоатчилик вакиллари

Бирдамлик руҳи


Бошланиши 1-бетда

Куни кеча Янги Андижон шаҳрида ушбу юксак эътирофга бағишланган тадбирларнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари, туркий дунёнинг атоқли маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари иштирок этди.

Президентимиз халқаро тадбирлар иштирокичиларига табрик йўллади. Табрикни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков ўқиб эшиттирди.

“Ҳеч шубҳасиз, Андижон шаҳрининг бундай юксак шарафга муносиб кўрилганини Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданий-маънавий мероси, юртимизнинг туркий маданият ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи сифатида қабул қиламиз”, дейилади табрикда.

Шунингдек, мамлакатимиз маданий ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. ТУРКСОЙ ташаббуси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимлигининг қўллаб-қувватлови билан “Андижон полкаси”



рақси Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

Бу рақс ўтган асрнинг 20-йилларида андижонлик машҳур созанда, бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Орифшон Тошматов

томонидан яратилган бўлиб, халқ орасида кенг оммалашган ҳамда миллий рақс санъатимизнинг ажралмас қисмига айланган.

Андижонда ТУРКСОЙ Ёзувчилар уюшмасининг йиғилиши, IV ТУРКСОЙ халқаро

МАҚОМ МИЛЛАТ ШАРАФИ
уни асраб-авайлашимиз керак

Наманганда бўлиб ўтган III Халқаро мақом анжуманига бутун дунёдан, хусусан, 80 та мамлакатдан олимлар, мақом билимдонлари ва ижрочилари, тарғиботчилар ҳамда мақомни қалбан яхши кўрадиган инсонлар, мутахассислар ташрифи бўюрди. 2017 йилдан буён миллий мақом санъатимизни ривожлантириш йўлида беқиёс ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Мақом маркази ва Мақом институти томонидан олиб борилаётган тарғибот ишлари ўзининг катта натижаларини берапти. Бу борада янада янги босқичга чиқишимиз ҳақида давлатимиз раҳбари ўз нутқида айтиб ўтди.

Мақом оддий мусиқа эмас. Бу миллатнинг хотираси, халқнинг қалби ва асрлар оша янграб келаётган маънавий овозидир. Унда ажодларимиз ҳикмати, орзу-умидлари, дарди ва қувончи мужассам.

Шу пайтгача биз бу анъанани ўргандик, уни ёшлар таълимига жорий



этид, қалбига синдиришга ҳаракат қилдик ва қандай натижага эришдик? Биз мақомотимизни тўлалигича шакллантиряпмиз. Энди замонавий технологиялар орқали мақомнинг аудио ва видео, шунингдек, нота ёзувларини бутун жаҳонга олиб чиқишимиз керак. Уни жаҳон саҳнасига олиб чиқиш учун эса, албатта, юксак интеллект зарур. Интеллектнинг бизга берадиган энг катта ёрдами мақомотни бутун жаҳон бўйлаб тарғиб қилиш имкониятидир.

“AI-PSYCHOLOG”: НАМАНГАННИ ЖИНОЯТЧИЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИШДА САМАРАЛИ ВОСИТА

Президентимиз 23 июнда Наманган вилоятига ташрифи доирасида Наманган давлат техника университетининг сунъий интеллект лабораториясида бўлиб, амалиётга татбиқ этилаётган янги стартап лойиҳалар билан танишди.

Достонбек АБДУЛЛАЕВ,
Чортоқ тумани ҳокимининг сунъий интеллект масалалари бўйича маслаҳатчиси

Давлатимиз раҳбарига ўзимнинг умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг психологик ҳолатини аниқлаш ва мониторинг қилиш учун мўлжалланган — “AI-PSYCHOLOG” деб номланган, сунъий интеллект асосида ишлайдиган стартап лойиҳани тақдим этдим.

Бугунги кунда мактаб ўқувчилари ўртасида турли шакллардаги майда безориликлар ва бошқа турдаги жиноятчилик ҳолатлари кўпайган. Албатта, бунда ёшларнинг психологиясига атроф-муҳит,

интернет, ижтимоий тармоқлардаги турли зарарли контентлар таъсир ўтказмоқда. Мактабларда эса психолог штати битта бўлиб, у барча ўқувчиларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш, таъхис қўйиш ва жиноятчиликка мойил ўқувчиларни мунтазам равишда кузатиб боришга қўйилади.

Ушбу стартап лойиҳа мактаб психологларининг энг яқин кўмакчисига айланади. У ўқувчиларга вазиятни ўйин шаклидаги тест (SDQ, Olweus, Buss-Perry методикалари асосида) ва диққат/импульс тестини беради, жавобларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб,



Сойибжон БЕГМАТОВ,
Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти профессори

Ташрифи бўюрган меҳмонлар маърузаларида худди шу тенденциялар ўзига хос тарзда акс этди. Барчамиз яқдил бир фикрдамиз ва албатта, Ўзбекистоннинг дунё бўйича мақом тарғиботи марказига айланиши осон кечадиган жараён бўлади.

Бугун Ўзбекистонда мақом санъати учун яратилган халқаро майдон бебаҳо санъат ривожини йўлидаги ишларнинг энг эътирофлиси бўлди. Тошкентда алоҳида Дунё мақом маркази ташкил этилиши орқали келгусида мақом санъати мавжуд бўлган ҳамда мумтоз санъатга муҳаббатли барча халқлар бир ерда жамланади. Бизда эса мақомимизнинг жозибаси ва қудратини ўша

марказ орқали бутун дунё саҳналарига тақдим қилиш имконияти пайдо бўлади. Дарҳақиқат, бу маданий қошна жаҳон мақом санъатининг йирик илмий-тадқиқот марказига айланади. Ўзбек мақом мактабларидан ташқари араб, турк, форс, тожик, ҳинд ва бошқа Шарқ мумтоз мусиқа йўналишларининг ўқитилиши бунга кенг йўл очади.

Мақомни севадиган дунё ёшлари учун “устоз-шогирд” анъаналари асосида маҳорат амалиёти дастурлари йўлга қўйилиши ва бунинг учун махсус грантлар ажратилиши ҳам жуда катта ташаббус. Марказ ҳузурида халқаро рақамли кутубхона ва лаборатория ташкил этиш эса улкан салоҳият талаб этади. “Шашмақом” бўйича худудларимизда “Мақом йўли” маданий-туристик йўналишини яратиш шунчаки оддий иш эмас, бу катта куч ва билимга таянади.

Халқаро мақом муқофотини таъсис этиб, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган олим ва санъаткорларни ҳар икки йилда рағбатлантириб боришдек хайрли ишлар ҳам шу маънода жуда ўринлидир. Бироқ буларнинг барчаси алоҳида ўрганиш, изланиш ва улкан масъулиятни талаб қилади. Машаққатларга қарамай, айни пайтда шундай залворли ишларга киришяпмиз. Зеро, бу ҳаракатларимиз ўзлгимизни қадрлаш орқали миллатлараро ҳурмат топишимизда ва энг муҳими, миллатимизнинг миллий бойлигини авайлаб-асрашда эртанимиз эгларига ибрат бўлишимизда муҳим ўрин тутаяди.

ЛОЙИҲАНИНГ ДАСТЛАБКИ СИНОВ ЖАРАЁНЛАРИДА 440 ДАН ОРТИҚ МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ ИШТИРОК ЭТДИ. ЖАРАЁНДА ТАҲЛИЛЛАРНИНГ 95 ФОИЗ АНИҚЛИГИ, ШУНИНГДЕК, ТАРМОҚДА 60 ФОИЗ ҚОҒОЗБОЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШИ ВА ВАҚТНИ ТЕЖАШИ, ЎҚУВЧИЛАРНИНГ РУҲИЙ ҲОЛАТИНИ РЕАЛ ВАҚТ РЕЖИМИДА КУЗАТИБ БОРИШ ИМКОНИЯТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШИ АНИҚЛАНДИ.

Ушбу лойиҳанинг дастлабки синов жараёнларида 440 дан ортиқ мактаб ўқувчиси иштирок этди. Жараёнда таҳлилларнинг 95 фоиз аниқлиги, шунингдек, тармоқда 60 фоиз қоғозбозликни камайтириши ва вақтни тежаши, ўқувчиларнинг руҳий ҳолатини реал вақт режимида кузатиб бориш имкониятини тақдим этиши аниқланди.


Давлатимиз раҳбари стартап лойиҳага катта қизиқиш билдирди ҳамда Наманганни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда қўл келиши, уни келгусида республика миқёсида кенг қўллаш зарурлигини билдирди. Ёшларнинг келажагига бевосита алоқадор лойиҳаларни ҳаётга қўллаш кеचितиб бўлмас вазифа экани, янги Ўзбекистон келажаги мамлакатимизнинг олтин авлодлари қўлидалигини қайд этди.

Президентимизнинг ушбу сўзлари менга янгилликка интилиш, ўз вазифамизни сиқидилдан бажариш, янги Ўзбекистонни бир тану бир куч бўлиб бунёд этишга ишонч ва руҳ бағишлади.




юртларда ўтказиладиган фестивал ва илмий анжуманлар, бадий кеча ва ижодий учрашувлар маданий ҳаётимизда чуқур из қолдирадиган, дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлаб, ўзаро боғлиқликда тараққий этишимиз учун хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари табригида таъкидланганидек, “Андижон — Туркий дунёнинг маданият пойтахти” лойиҳаси доирасида бир йил давомида мамлакатимиз ва қардош



ёш авлод учун кенг имкониятлар очадиган унутилмас воқеа бўлиб қолши шубҳасиз.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Бошланиши 1-бетда

Оммавий ахборот воситаларининг муҳим вазифаларидан бири мамлакат ҳаётига оид ахборотларни ёритиш билан бирга мамлакатларнинг бир-бирига ҳамиша ҳам мос келавермайдиган сиёсатларини таҳлил этишда ҳам ҳолисликка қатъий рия қилишдир. Бу ҳолат ОАВга доир қонунларни қайта кўриб чиқиш, бугунги реал шароитга мослаштиришни тақозо этади.

Шундай экан, бу касбни ихтиёр этган қалам аҳли ўзининг бевосита вазифаларини бажариш билан бирга юқорида келтирилган дунёвий жараёнларга ҳам бефарқ бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда, ахборот тарқатувчи воситалар ҳам, тажрибали касбдошларимиз ҳам замон шиддати ва талабидан четда қолиб кетишлари мумкин. Негаки, ҳаётнинг энг муҳим соҳалари билан биргаликда журналистика ҳам бетўхтов ривожланиб бормоқда, кечаги кун бугуннинг ўзида тарихга айланмоқда, кечаги шов-шувли йотуқ, муҳим ихтиро бугун оддий ҳаётини реалликка айланаётир.

Фақат шу эмас, илмий тараққиёт зғулиқ, яратувчанлик билан бирга қайта тикланидиган, тобора хавфли тус олаётган қуролиниш пойгасига ҳам хизмат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Матбуотда “Фалон денгиз ёки океанда замонавий ҳарбий қуролининг йирик синов машқлари бошланди, фалон жойда муваффақиятли яқунланди, шартли душман билан ёнма-ён эълон қилинмоқда. Қуроли можадоларнинг аянчли оқибатларини оддий ахборот сифатида қабул қилиш ажабланарли бўлмай қолди.

Бундай шароитда матбуот ўзгармаслиги мумкин эмас. Унинг ҳар бир сўзи, энг аввало, тинч-тотувлик манфаатларига хизмат қилиши, ниқоқлашаётган томонлардан бирининг манфаатини ифода этиб қолмаслиги зарур. Бунинг учун эса журналистика дунёвий, минтақавий воқеа-ҳодисаларнинг асл муҳиятини тўғри англашга қатъий ҳаракат қилмоғи талаб этилади. Айни шу мақсадда самарали ижод қилаётган шарҳловчи ҳаммасларимиз сафти тобора кенгайиб бораётгани қувонарли бўлмай қолди.

Яқинда Фарғонада “Замонавий журналистиканинг долзарб муаммолари” мавзусида ўтказилган халқаро анжуманда айни шу хусусда жиддий баҳс-мунозара бўлди.



Хусан ТАНГРИЕВ,
Божхона қўмитаси
Матбуот хизмати раҳбари,
подполковник

Айниқса, божхона соҳасидаги янгиликлар, ўзгаришлар, муаммолар ва уларнинг ечимларини кенг жамоатчиликка ҳолис ҳамда тезкор етказишда журналистлар ва блогерлар алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Шу боис, уларни бемалол божхона тизимининг яқин ҳамкорлари ва дўстлари сифатида эътироф этса бўлади.

Сўнгги йилларда божхона тизимида ахборот сиёсатида муносабат тубдан ўзгарди. Матбуот хизмати энди шунчаки хабар тарқатувчи бўлима эмас, тизим фаолияти очиклиги ва шаффофлигини, шунингдек, жамоатчилик билан мулоқотни таъминлайдиган муҳим институтга айланиб бормоқда.

Нафақат марказий аппаратда, ҳудудий тузилмаларнинг жамоатчилик билан алоқалар соҳасида ишлаётган ходимларининг

Дунёнинг ўндан ортқ мамлакатидан келган соҳа мутахассислари, амалиётчи олимлар, таниқли журналистлар, медиа майдони қўзғатувчилари бу йиғинда таҳлилий мушоҳадалари, мавжуд муаммолар ечимига доир жўяли таклифларини баён қилди. Бугунги талайғули давр хуружлари журналистикага салбий таъсир кўрсатаётгани яқдиллик билан эътироф этилди.

Жумладан, нотиклар ахборот оламининг ҳаддан ташқари тезлашиши, қисқалик ва “ўта қисқалик” ахборотлар моҳиятини тўғри англашда муайян мавҳумликларни юзага келтираётгани ҳақида баҳс юритди. Йирик медиа тузилмалари даромад ортидан қувиб, журналистиканинг ижтимоий масъулияти ва ахлоқий қондаларини менсимайтирлар. Баъзи жойларда матбуот турли босим ва таъйиқлар остида фаолият юритмоқда. Бунинг оқибатида нашрлар ўз олдидagi маънавий бурчидан чекинмоқда ҳам.

Кейинги ўн йилликнинг энг муҳим, эътиборга молик натижаларидан бири — мамлакатимиз ёпиқлик, фикрсизлик иллатидан халос бўлиш палласига кирди. Жамиятнинг халқни эшитиш, муаммоларни тинглаш қўлоқлари очилди, одамларнинг ижтимоий фаоллиги, мамлакат ва миллат тақдирига дахлдорлиги кучайди. Бугун Ўзбекистон дунёнинг изчил ривожланаётган, аниқ мақсад йўлида қатъий ишонч билан ҳаракатланаётган, кўп соҳаларда дунёга ўзига хос ибрат намуналарини кўрсатаётган давлатлардан бири. Бу — ўзимизнинг эмас, дунё ҳамжамиятининг фикри.

Дунё, одамлар, яшаш тарзлари, орзу-умидлар ўзгариб бормоқда. Бир қарашда ҳаммаси жойидадек. Аммо бугунги шиддат таъсирида неча минг йиллар давомида шаклланган маданий-ахлоқий қадриятлар ўрнини замонавийлик нуқиб остида сохта, тўқима қадриятлар — ялпи раддия, воз кечишлик, менсимаслик кайфияти эгалламоқдаки, бунга бепарво қараб бўлмайди. Бу ҳолат турли давлатлар, йирик ҳолдинг ва корпорациялар, сиёсий, ҳарбий бирлашмалар, медиатизмларнинг шахсий манфаати билан боғлиқлигига ҳеч ким шубҳа қилмас керак.

Ҳамма ўз йўлини тўғри деб ҳисоблайди, бошқа фикрга ишончсизлик билан қарайди. Сиёсатдонлар, иқтисодчилар, инсон ҳуқуқи ҳимоячилари ва ҳатто маданият, ахлоқ-одоб тарғиботчилари фаолиятида ҳам бу қусур кўзга ташланади. Давлатчилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларида юзага келадиган муаммоларнинг олдини олиш учун, халқона тил билан айтганда, “дўппини бошдан олиб очикчасига дардлашиш” зарурлиги унутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг халқ билан мулоқот, эл ичида бўлиш, уни тинглаш сиёсати эндиликда халқлар, давлатлар, яқин қўшниларнинг бир мақсад йўлида бирлашиб ҳаракат қилиш сиёсатига айланди. Бу сиёсат қандай улуг натижа бераётганига фақат биз эмас, бошқа томонлар ҳам гувоҳ бўлиб турибди. Демак, матбуот саҳифаларида айни шу масала ва муаммоларга оид танқидий-таҳлилий мақолалар ҳам бўлиши керак.

Замон ўзгаргани сари матбуот олдида янги-янги вазифалар пайдо бўлаверди.



Газетхон аталмиш ҳар янги авлод рост сўзини, воқеа-ҳодисаларнинг рост талқинини, янги дунё, янги жамиятнинг янги қиёфаси, маънавий-ахлоқий қадриятларига доир шарҳларни қутади. Газетанинг ҳар бир сонида ўқувчи учун янги сўз айтиш, газетхон онг-шуурига таъсир кўрсатиш, унинг кўнглида ҳам муайян фикрлар уйғота олиш осон эмас. Чунки у ҳам худди сиз каби дунёни кузатиб турибди, шу бевозта дунё ичида қувончу муаммоларга, ихтирою хатоликларга, буюк янгилишларга гувоҳ бўлиб яшамоқда.

Шўролар замонида газетанинг ҳар айтган сўзи, ҳар билдирган фикри, баҳоси ва ҳатто оддий ишораси ҳам ҳақиқатга менгзаларди. Газетада чиқидми, бас, бошқача фикрга ўрин қолмасди. Бугунги матбуот, не бахтики, бундай қозилқдан, оқлаш ва қоралаш, одамлар тақдирини ҳал этиш функциясидаан халос бўлди. Энди у жамоатчиликнинг эркин минбари. Энди унда бошқалар ҳам фикрини билдириши, баҳсга киришиши, фикрини дадил айтиши мумкин.

Бугун танқид аввалгидек одамларнинг тақдирини у ёки бу томонга ҳал қилувчи дахшатли қурол эмас, энди у сизга, менга — ҳаммамизга ёрдам қўлини чўзади, нуқсонларингизни кўрсатиб беради. Истиқлол матбуотининг шўролар замони матбуотидан фарқи шунда.

Шу ўринда бир неча муҳим мулоҳазани ўртга ташлаш зарурати пайдо бўлмоқда. Биринчиси, матбуотимиз фаолиятидаги йотуқлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Бунга арирли асослар бор. Бу соҳада узоқ йиллар тер тўкиб, катта тажриба орттирган кекса авлод сафига теран ва биздан кўра эркин фикрлайдиган, журъдли ёш ҳамкасблар қўшилиётгани гоят қувонарли.

Қатор тахририятларда қалами қайралган, фикри тиниқ устозларнинг маҳорат мактаблари фаолият юритмоқда. Айрим “донишманд”ларнинг яқин-яқинлардаги “Босма

нашрларга эҳтиёж қолмади, интернетда ҳамма ахборот бор, обун деган ташвишдан қутулдик”, деган “башорат”лари пуч бўлиб чиқди: кўлаб газеталарнинг ўқувчилари сафи аста-секин ошиб бормоқда.

Буни сезмаслик мумкин эмас. Бу йотуқни янада мустаҳкамлашнинг самарали йўлларида бири — матбуотда баҳс-мунозаранинг мавжудлиги. Илмий жиҳатдан қараганда, ҳар бир фикрда муайян нисбийлик бор. Турфа муаммоларининг ечими баҳс-мунозарара топилади. Соғлом баҳс туфайлигина шундай бўлади.

Демоқчимизки, бугун газеталаримизда айни шу масалада оқша бор. Бу матбуот саҳифалари асосан баҳсли мақолалардан иборат бўлиши керак дегани эмас. Гап бирор



умумий мақсадга эришишнинг турли йўллари, усуллари, шакллари ҳақида бормоқда. Жамиятда чинакам ошкоралик муҳитини юзага келтириш билан беистисно ҳамма шуғулланиши керак.

“**БУГУН ТАНҚИД АВВАЛГИДЕК ОДАМЛАРНИНГ ТАҚДИРИНИ У ЁКИ БУ ТОМОНГА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАХШАТЛИ ҚУРОЛ ЭМАС, ЭНДИ У СИЗГА, МЕНГА — ҲАММАМИЗГА ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗАДИ, НУҚСОНЛАРИНГИЗНИ КЎРСАТИБ БЕРАДИ. ИСТИҚЛОЛ МАТБУОТИНИНГ ШЎРОЛАР ЗАМОНИ МАТБУОТИДАН ФАРҚИ ШУНДА.**

Иккинчиси, халқимизда “От — минилса, кийим — кийилса, таом — ейилса яхши”, деган гап бор. Бу нақли матбуотта ҳам менгзаса бўлади: “Газета, журнал обуначиларга вақтида етиб бурса, ўқилса, ўқувчи бирор янгиликка эга бўлса яхши”. Бундай деярлик-нимнинг боиси, бугун почта хизматидан кўпчилик мамнун эмас. Фидойи почталовлар қолмади ҳисоб. “Матбуот тарқатувчи” номи билан аталадиган ташкилотнинг ишини қоникарли деб бўлмайди. Унинг вилоят бўлиmlарида ахвол янада ёмон.

Учинчиси, бугун мамлакатимизнинг ўндан ортқ олий ўқув юртида журналист кадрлар тайёрланмоқда. Бу иш билан ҳусусий университетлар ҳам шуғулланаётир. Бир қарашда ёмон жойи йўқ. Аммо уларда бўлажак ҳамкасбларимизга бугунги талабаларга жавоб берадиган даражадаги малакали устозлар борми? Ҳамма битирувчилар ҳам ўз соҳаларида ишламоқдами? Консерваторияга овози бор, музикани тушунадиган истеъдодли ёшлар қабул қилинади, уларга бир эмас, бир

ижод қалами, ёзув-чизуви, аниқ бир мақсад йўқ, мамлакатимизда нашр этилаётган газета-журналлар тўғрисидаги тасаввурлари суст. Баъзан: “Мен газета ўқимайман, чунки журналист бўлмоқчи эмасман, фалон ташкилотнинг матбуот хизматида ишлайман”, деган ҳам кулгили, ҳам ачинарли изҳорларни эшитиб тураимиз.

Уларда қизиқиш бўлмаган ёшларни тўрт йил ичида етук журналист қилиб тарбиялаш осон иш эмас. Устозларга келсак, олий ўқув юртида журналист маҳоратидан сабоқ бериш, истеъдодли талабаларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижодкорликда намуна кўрсатиши учун улар, биринчи навбатда, маҳоратли журналист бўлиши, матбуотда тез-тез кўриниб туришлари, мақола, хабар, очерк, эссе, репортаж, ҳисобот қандай ёзилишини амалда билиши керак. Қўлларига журналист дипломини олиб, тахририятларга ишга бораётган ёшлар ҳақида иш берувчиларнинг салбий баҳоси беҳуда эмас ва бунга бефарқ қараб бўлмайди.

Нима қилиш керак? Ўзбекистон Миллий университети ва журналист кадрлар тайёрлайдиган бошқа олий ўқув юртлари мавқени ҳар тарафлама кучайтириш, бу ерда бўлажак журналистлар билан бирга уларга сабоқ берадиган маҳоратли устозлар ҳам тайёрланиши, яъни қайта тайёрланишига эришиш зарур.

Тўртинчиси, миллий тараққиётга юз тутишининг муҳим шарти эришилган йотуқларни ҳолис баҳолаш, йўл қўйилган нуқсонларни чуқур таҳлил қилиш, сабаб ва оқибатларини ўрганиш, ҳар бир ҳолатни ўз номи билан аташ, тақдор ҳам қилимаслик йўллариини белгилашдан иборат. Шундай қилинсагина жамият ривожланади. Бу иш билан, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситалари шуғулланиши керак. Жамиятнинг ҳолис кўзгусига айланишнинг бошқа йўли йўқ. Журналистикада хабардорлик, маҳорат, тил бойлиги, мавзунини пухта билиш, фикрни таъсирчан ифодалаш билан бирга муаллифлик журъди, қатъият, тиришқоқлик ҳам талаб этилади. Муҳаррирлар бу фазилатларни қўллаб-қувватласа, ёш ҳамкасбларимизнинг шашти қайтарилмаса, матбуот яна ўқишли ва таъсирчан бўлади.

ШАФФОФЛИК ЗАМИРИДА ОСОЙИШТАЛИК АКС ЭТАДИ

Мамлакатимизда кечаётган ислохотларни халқимизга етказиш, давлат ва жамият ўртасидаги ишонч кўпригини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган қатлам бу, шубҳасиз, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларидир.

меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида қўшимча устамалар жорий қилинди. Матбуот хизмати учун барча замонавий талабларга жавоб берадиган янги меҳдиамакон ташкил этилди. Бугун у ерда тасвирга олиш, монтаж қилиш, график дизайн, видео-матбуотлар тайёрлаш ва рақамли контент ишлаб чиқиш учун барча зарур имкониятлар яратилган.

Президентимиз 2023 йилда мазкур медиамаконга ташриф буюрганида матбуот хизматидаги ходимларимизга жамоатчиликка ҳолис ахборот етказиш кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Бугун мана шу юксак эътибор ва яратилган шароитлар ўз натижасини бермоқда.

Масалан, 2022 йилда 16 мингга яқин ахборот эълон қилинган бўлса, 2025 йилнинг якунига келиб 21 мингдан ошди. Жорий йилнинг ўтган беш ойида 10 мингдан ортқ ахборот тайёрланиб, жамоатчиликка етказилди.

Божхона қўмитаси расмий саҳифалари орқали ҳар йили ўртача 4 мингдан ортқ янгилик, видеоролик, интервью, инфографика ва фотолаваҳ тарқатилмоқда. Натижада бугунга келиб Божхона қўмитасининг Telegram,



Мулоҳаза

Facebook, Instagram ва YouTube платформаларидаги аудиторияси деярли 200 мингга етди. Рақамлар нафақат жамоатчиликнинг қизиқиши, шу билан бирга, божхона тизимида бўлган ишонч ҳам тобора ортиб бораётганини англатади.

Бироқ бу натижалардан мамнун бўлиб, “ҳамма ишимиз жойида”, деган хулосага келишдан йироқмиз. Чунки рақамлар ортида яна бир муҳим, очик ва аччиқ ҳақиқат бор.

Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида божхона органларида 500 дан ортқ ёзма

муружаат келиб тушган бўлиб, уларнинг асосий қисмини ахборот олиш, қонунчилик талаблари ва амалдаги тартиб-қондалар бўйича тушунтиришлар бериш ҳақидаги сўровлар ташкил этиди.

Бу ҳолат аҳоли ва тадбиркорларимизда божхонага оид ахборотга эҳтиёж юқори эканини кўрсатмоқда. Демак, муружаатлар келиб тушганидан кейин жавоб қайтариш эмас, муружаат қилишга эҳтиёж қолдирмайдиган даражада ишлаш замон талабидир.

Бугунги кунда матбуот хизматлари фақат сўровларга жавоб бериш билан чекланиб қолмаслиги керак. Ахборот майдонида ким биринчи ва тушунарли гапирса, ўша томон аудитория ишончини қозонади.

Шу боис, матбуот хизмати ходимларидан доимо ташаббускор бўлиш, муаммо ҳақида эмас, ечим ҳақида гапириш, фақат хабар эмас, балки мазмунли контент яратиш талаб қилинмоқда.

Бунинг яна бир асосий сабаби шуки, Ўзбекистонимизнинг ташқи иқтисодий алоқалари кенгайиб боргани сари чегараларимиз орқали ҳаракатланаётган товар ва транспортлар сони ҳам йил сайин ортиб бормоқда.

Масалан, ўтган уч йилнинг ўзида республикамизнинг товарлар ташқи савдо айланмаси 42 фоиз (38,9 млрд доллардан 55,4 млрд долларга), чегара божхона постлари орқали ҳаракатланган автомобиль ва темир йўл транспортлари 53 фоиз (3,6 миллиондан 5,5 миллионга), йўловчилар оқими эса 71 фоиз (33,6 миллиондан 57,7 миллион нафарга) ошди.

Бугунги кунга келиб чегара постларидан қуниқ ўртача ҳаракатланаётган транспорт воситалари (жумладан, юк темир йўл транспортлари) 15 мингтани, йўловчилар эса 160 минг нафарни ташкил этмоқда.

Бундай шароитда божхона органларининг ахборот сиёсати ҳам янги босқичга

қўтарилиши лозим. Энди биз нафақат мамлакат ичида, халқаро ахборот маконида ҳам фаол бўлишимиз лозим.

Бу йўналишда 2025 йилда илк бор Ўзбекистон божхона органлари фаолияти ҳақидаги материаллар халқаро ахборот майдонига олиб чиқилди.

Хусусан, “Euronews” телеканалда ва Жаҳон божхона ташкилотининг расмий ахборот платформаларида божхона тизимимиздаги ислохотлар ёритилди. Лекин бу етарли эмас.

Шунинг учун келгусида матбуот хизматини янада трансформация қилиш, яқин истиқболда уни коммуникациялар ва контент тайёрлаш божқармаси сифатида қайта ташкил этиш режалаштирилган.

Чунки бугун ахборот майдонида рақобат гоят қучли. Сифатли контент эса қучли жамоа орқали яратилади. Бу борада Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети билан ҳамкорликни янада қучайтиришни мақсад қилганмиз.

Божхонада матбуот хизмати ҳар томонлама профессионал ишлаши учун бизга божхона тизимини мукаммал биладиган, ташқи савдо, логистика, тариф сиёсати, контрабандага қарши курашиш ва рақамли технологиялар ҳақида чуқур таҳлилий материаллар тайёрлайдиган журналистлар керак.

Шу сабабли журналистларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Божхона қўмитаси Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан ҳамкорлик меморандумини имзолаш тақдирини илгари суради.

Журналистларимизнинг ҳар бир қизиқиши, мақоласи ва репортажини диққат билан кузатиш орқали жамиятнинг фикрини, кайфияти ҳамда талабини ҳис қилиш мумкин.

Шу боис, бизга танқид ҳам, тақдир ҳам, янги ғоялар ҳам керак. Чунки ўзаро очик мулоқот бўлган жойда тараққиёт бўлади.



ЖАРАЁН

Бир неча йил аввал гектаридан 70-80 центнер пахта ҳосили олиш орзу бўлиб кўринган бўлса, бугун бу натижа реал кўрсаткичга айланди. Ҳатто бундай юқори ҳосилдорликка интилаётган фермерлар сони йил сайин ортиб бормоқда.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

Ислохот одимлари

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ, ТЎКИНЛИК ВА ҚУТ-БАРАКА ТИМСОЛИ

Бошланиши 1-бетда

Хотиралар тасмасидаги оғриқлар

Кўп эмас, атиги чорак аср олдинги манзаралар ҳали ҳам кўпчилиكنинг хотирасидан ўчмаган. Баҳор тугаб, ёзнинг иссиқ нафаси сезила бошлаган, аммо бугдой пишишига ҳали бир неча ҳафта бор бўлган ўша даврларни эсласак, юрак ўртади. Рўзгордаги танқислик, тирикчилик юки одамларни дала-ларга олиб чиқарди. Ҳали тўлиқ етилмаган, сутти қочмаган бугдой бошоқларини териб, уйга олиб келган оналарнинг сиймоси ҳануз кўз олдимизда.

Дала йўлларидан чанг кўтариб ўтаётган, устинга бугдой ортилган юк машиналари ортидан жон-жаҳди билан югрган болалар ва ўсмирларни кўрмаганимиз? Бир қоп дон, бир сиқим ризқ илнжида ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, ҳаракатланаётган машина тиркамасига ёпишган замондошларимиз тақдирини бугун қалбимизни тирнайдди. Афсуски, ана шундай жонсарақ уринишлар оқибатида оғир жараҳат олган, ҳатто ширин сугдан айрилиб, оиласини бир умрлик доғда қолдирган юртдошларимиз ҳам бўлди. Бу воқеалар қайсидаир бадийи асарнинг тўқима сюжетини эмас, балки халқимиз бошдан кечирган, яқин ўтмишимизнинг аччиқ ва ҳаётий ҳақиқати эди.

— Бугунги тўкин дастурхон, файзли хонадонларимиз ва фаровон ҳаётимиз учун ҳар қанча шукрона айтсак ҳам оз, — дейди Дўстлик туманида яшовчи Абдуваҳоб Қўчқоров. — Ҳар йили ғалла ўрими мавсуми келганда, бугдой ва ун билан боғлиқ оғриқли хотираларим ёдимга тушади. Раҳматли акам фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишларди. Ҳар йили 30-40 гектар майдонга бугдой экиларди. Аммо ўша йиллари ҳосилдорлик паст бўлганими ёки бошқа сабабми, давлат режасини бажариш жуда оғир кечарди. Қишлоқларда шароит оғир, одамларнинг турмуши анча мушкул эди. Кўпчиликнинг умиди ва ишончи бугдойга боғланганди. Бугдой ҳали тўлиқ пишиб улгурмасидан одамлар далаларга бошоқ териш учун чиққан. Аввалига фермерлар бунга йўл қўймасди. Одамлар эса тирикчилик таъминотида яширинча бошоқ теришга мажбур бўларди. Мен ҳам фермер оиласидан бўлишимга қарамай, ноилоҳлиқдан бошоқ терган кунларим бўлган. Ўша пайтларда баъзи фермерлар ғалла ўрими вақтида назоратчилар билан келишиб, даланинг бир четинда озгина бугдой қолдиришга ҳаракат қиларди. Лекин бу ҳам ҳаммага nasib этмасди. Йили аниқ ёдимда эмас, 2000-йилларнинг боши эди. Хўжалигимиздаги ғалла ўриб олинди, аммо режа бажарилмади. Акамнинг озгина бўлса ҳам бугдой олиб қолиш бўйича қилган ҳаракатлари самара бермади. Уйда эса ун тугаган, бугдой олишга эҳтиёж жуда катта эди. Ноилоҳлиқдан бир синфдошим билан ғалла ортилган юк машинасини пойлаб турдик. Машина секин ҳаракатланаётганда унга чиқиб олдик. Икки қопни бугдой билан тўлдириб, амаллаб пастга ташладик. Аммо бу вақтга

келиб машина дала йўли тугаб, асфальт йўлга чиққан ва тезлигини оширган эди. Энди ундан тушишининг ўзи муаммага айланди. Аввал синфдошим таваккал қилиб сакради. Бир оздан кейин мен ҳам ўзимни ҳаракатланаётган машинадан ташладим. Афсуски, қаттиқ йиқилиб, ҳушимни йўқотибман. Кейин ешитишимча, синфдошим йўловчилардан ёрдам сўраб, мени ўзимга келтирган экан. Қўлим синиб, оёғим қаттиқ лат еган. Самарқандга бориб даволанишимга тўғри келди. Мана, қўлимдаги шу чандик ўша оғир кунларни эслатади. Орадан йиллар ўтди. Бугун юртимизда фаровонлик, дастурхонларимиз нонга тўла. Ёшларимиз эҳтимол бу каби қийинчиликларни тасаввур қилолмас, лекин биз бугдойнинг, ноннинг ҳақиқий қадрини яхши биламиз. Чунки йўқчиликни ҳам, муҳтожликни ҳам бошдан кечирганимиз.

Дарҳақиқат, бир вақтлар одамлар бошоқ териб кун кўрган, бир қоп бугдой илнжида далама-дала юрган даврлар ортда қолди. Бугун мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва халқ дастурхонини тўкин қилиш борасидаги кенг қўламли ишлар самара бермоқда. Зеро, бугунги тўкин дастурхон ортда халқимизнинг машаққатли меҳнати, сабр-бардоши ва тарихнинг турли синовларидан ўтган оғир кунлари мужассам.

Маъмурий бўйруқбозликдан эркин бозорга

Йиллар ўтиб, давр ўзгарди. Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Хусусан, ғалла мустақиллигига эришиш йўлида ташланган



шиддатли қадамлар ва тизимли ислохотлар соҳада туб бурилиш ясади. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 майдаги “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий қарори соҳа ҳаётида бутунлай янги саҳифа очиб берди.

Маъмур ҳужжат узоқ йиллар давомида соҳани бўғиб келган маъмурий бўйруқбозлик, режа ортидан қувиш ва фермерни ўз маҳсулотини арзон гаровга сотишга мажбурлаш тизимига чек қўйди. Ғаллачилик тармоғининг ҳақиқий бозор муносабатлари асосида ривожланишга йўл очилди, деҳқоннинг иқтисодий манфаатдорлиги ва ердан унумли фойдаланиш масъулияти янги босқичга кўтарилди.

тирикчилик манбаларини излашга мажбур бўлардик. Бугун эса вазият бутунлай ўзгарди. Эркин бозор муносабатлари туфайли ҳам пахтадан, ҳам ғалладан муносиб даромад оляимиз. Энг муҳими, меҳнатимиз самараси ўзимизга қайтмоқда. Бу эса ерга меҳримизни, ишга қизиқишимизни кучайтирди. Фермер хўжалигимиздаги 160 гектар ернинг 100 гектари ғалла, 60 гектари пахта экканмиз. Кейинги икки йилдан буён ҳар гектардан 100 центнердан зиёд ғалла ҳосили оляимиз. Албатта, моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша юқори бўлмоқда. Давлат харидидан қолган ғалланинг муайян қисми ишчиларга тарқатилди. Ундан ҳам ортганини эса бозор нархидан сотиш имкониятига эгамиз. Бунинг ўзи фермер учун катта рағбат. Ҳали имкониятларимиз бундан

ҳам катта. Фермерлар иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлса, ун ва мой ишлаб чиқариш, пахтани чуқур қайта ишлаш каби лойиҳаларни амалга оширади. Бу эса янги корхоналар, янги иш ўринлари ва аҳоли фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилади.

Кейинги йилларда соҳадаги ислохотлар деҳқоннинг ерга муносабатини ҳам ўзгартирди. Илгари фермернинг асосий ташвиши юқоридан берилган режани бажариш бўлган, бугун эса у ҳар бир гектардан юқори ҳосил олиш, сув ва ресурсларни тежаш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш ҳақида ўйламоқда. Чунки фермер қанча кўп меҳнат қилса, унинг самараси, аввало, ўз хўжалиги



“Натижада ҳосилдорлик кўрсаткичи йилдан йилга ўсиб борапти. Ўтган йили вилоятимиздаги 100 дан зиёд фермер ҳар гектар ердан 90-100 центнердан ҳосил олган бўлса, жорий йилда бу тажрибани янада оммалаштириб, юқори натижаларга эришишни режалаштирганмиз. Хусусан, 80,4 минг гектар майдондан 750 минг тонна дон олишни мўлжаллаганмиз. Бу ўтган йилдагидан қарийб 50 минг тонна кўп.

ва оиласи фаровонлигига хизмат қилишини яхши англаб етди. Бу ишонч ва манфаатдорлик эса деҳқонни изланиш, тажриба ўрганиш, илм-фан ютуқларини амалиётга татибқ этишга ундамоқда. Натижада нафақат ҳосилдорлик, балки ернинг унумдорлиги ва маҳсулот сифати ҳам ортиб бормоқда.

Фан ва инновациялар уйғунлиги

Ғаллачиликда эришилаётган натижалар тасодифий эмас. Бу йиллар давомида тўпланган тажриба, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ва фермерларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш бора-сидати ишлар самарасидир. — Кейинги йилларда ғаллачиликда мутлақо янгича ёндашув шаклланди, — дейди Жиззах вилояти ҳокимлигининг қишлоқ хўжалиги бўйича бош мутахассиси Сарвар Баратов. — Илгари асосий эътибор режани бажаришга қаратилган бўлса, бугун ҳар гектар ердан юқори ва сифатли ҳосил олиш бош мақсадга айланган. Натижада ҳосилдорлик кўрсаткичи йилдан йилга ўсиб борапти. Ўтган йили вилоятимиздаги 100 дан зиёд фермер ҳар гектар ердан 90-100 центнердан ҳосил олган бўлса, жорий йилда бу тажрибани янада оммалаштириб, юқори натижаларга эришишни режалаштирганмиз. Хусусан, 80,4 минг гектар майдондан 750 минг тонна дон олишни мўлжаллаганмиз. Бу ўтган йилдагидан қарийб 50 минг тонна кўп. Энг муҳими, мазкур ҳосил деҳқонларимиз учун қўшимча 125 миллиард сўмлик даромад

манбаи бўлади. Бу эса қишлоқ аҳолиси даромадининг ўсиши, фермер хўжалиklarнинг иқтисодий қудрати мустаҳкамланиши ва янги инвестиция имкониятлари кенгайишини аналтади.

Мутахассиснинг таъкидлашича, бугунги ютуқлар замирида илмий ёндашув ва

замонавий агротехнологиялар мужассам. Хусусан, ўтган йилларда синондан ўтган ва юқори самара берган тажрибалар бугун кенг майдонларга татбиқ этилмоқда. Вилоят ғалла майдонларида ҳосилдорлиги юқори, маҳаллий тупроқ-иклим шароитига мослашган “Васса”, “Вежа”, “Груд”, “Алексеевич” каби навларнинг кенг жорий этилаётгани ҳам юқори натижалар омили бўлмоқда. Шу билан бирга, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни қўллаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ғалла ўрими-йиғим ишларини қисқа муддатда ва нест-нобудсиз ташкил этиш мақсадида соҳага қўшимча 100 та замонавий комбайн жалб қилингани ҳосилини ўз вақтида йиғиб олиш, дон сифати ва миқдорини сақлаб қолиш имконини беради. Соҳада яна бир муҳим янгилик сифатида дон ўриш жараёнларини рақамли назорат қилиш тизими жорий этилмоқда. Хусусан, дон ўриш комбайнлари GPS технологиялари ва кузатув камералари орқали онлайн мониторинг қилинмоқда.

— Бу тизим ҳар бир комбайн ҳаракатини реал вақтда кузатиш имконини беради, — дейди Сарвар Баратов. — Иш вақти ва самарадорлик аниқ ҳисобланади, ёқилги сарфи назорат қилинади, ўрилган майдон ва йиғиб олинган ҳосил ҳажми тўлиқ мониторинг қилинади. Мазкур рақамли тизим инсон омили таъсирини камайтириш, жараёнлардаги хато ва ноаниқликларни қисқартириш ҳамда умумий иш унумдорлигини оширишда қўл келади. Энг муҳими, бу тизим соҳада шаффофликни таъминлайди ва ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради. Натижада юқори ҳосил билан бирга иқтисодий самарадорлик ҳам сезиларли ошади. Бугунги натижалар билан чекланиб қолиш ниятимиз йўқ. Олдимизда турган асосий вазифа — ҳар бир гектар ернинг имкониятини тўлиқ ишга солиш, илм ва инновацияларга таянган ҳолда ҳосилдорликни янада ошириш. Чунки ғаллачилик нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, балки минглаб фермер ва деҳқон оилаларининг фаровон ҳаёти учун ҳам мустаҳкам иқтисодий асос яратишга хизмат қилади.

Бугун Жиззах далаларида етиштирилаётган ҳар бир бошоқ ортда илм, замонавий технология, деҳқон меҳнати ва ислохотлар самараси мужассам. Энг муҳими, бу ютуқлар халқ дастурхонининг тўқинлиги ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилимоқда. Ҳосилдорлик фақат рақамларда эмас, балки деҳқоннинг қайғияти, эртанги кунга ишончи ва меҳнатга муносабатидан ҳам аяққол намён бўлмоқда. Зеро, ер эгаси ўз меҳнатининг ҳақиқий самарасини кўрган жодагина барака ва тараққиёт қарор топади.

Хулоса

Бугун озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат юртимизда, балки бутун дунёда энг глобал ва долзарб масалалардан бирига айланиб улгурди. Сайёрамизда кечаётган кескин иқлим ўзаришлари, сурункали қурғоқчилик, халқаро майдондаги геосийосий зиддиятлар ва глобал логистика инқирози туфайли қўплав далаларда дон ва ун маҳсулотларининг жиҳдий тақчиллиги кузатилмоқда. Дунё оқил ва танқислик хавфи қаршида довлараб қолган шундай мураккаб шароитда ҳар бир мамлакатнинг ўз аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан мустақил таъминлай олиши стратегик ва миллий хавфсизлик даражасидаги масаладир.

Шу нуқтан назардан қараганда, ғалла мустақиллиги биз учун шунчаки иқтисодий кўрсаткич ёки рақамлар эмас, балки юртимизнинг иқтисодий ва сийсий барқарорлигини кафолатловчи улгувор омил. Ўтмишнинг аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, бугунги тинч, осойишта ва тўкин кунларнинг қадрига етиш, машаққатли меҳнати билан ризқ-рўзимизни яратётган деҳқонларимизни қадрлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Нон бор жойда осойишталик барқарор бўлади, хонадонларда барака занжирини узилмайди, одамлар қалбида эртанги кунга улуг ишонч яшайди.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ФЕРМЕР ДАРОМАДИ – ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Халқимиз азалдан ерни муқаддас неъмат, меҳнатни эса бараканинг асоси деб билган. “Ерга меҳр берсанг, ер сени бокади”, “Ер тўйса – эл тўяди” каби хикмати нақллар бекиз айтилмаган. Чунки ер нафақат ризқ-рўз манбаи, балки мамлакат иқтисодиёти, халқ фаровонлиги ва келажақ барқарорлигининг мустаҳкам пойдеворидир.

Бугун янги Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг қамровли ислохотлар ана шу қадриятларнинг ҳаётий ифодасига айланмоқда. Айниқса, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда соҳада замонавий ёндашувларни кенг жорий этиш борасидаги ишлар амалий натижаларини бермоқда.

Фермер даромадининг ортиши фақат бир оиланинг эмас, балки бутун жамиятнинг фаровонлиги демакдир. Қишлоқда даромад кўпайса, бозорлар тўқис бўлади, иш ўринлари яратилади, аҳолининг турмуш даражаси юксалади. Шу боис, аграр соҳадаги ҳар бир ислохот инсон қадрини улуғлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигидаги энг катта ўзгаришлардан бири фермерларнинг фикрлаш тарзи ва меҳнатга муносабатидан намён бўлмоқда. Илгари асосий эътибор режани бажаришга қаратилган бўлса, бугун самарадорлик, даромад ва иқтисодий манфаат биринчи ўринга чиқди.

Энг муҳими, фермернинг ерга эгалик ҳисси кучайди. У меҳнат қилса, фойдаси ўз ои-

ласи ва келажагига хизмат қилишини яхши англапти. Шу боис, фермерлар инновацион агротехнологияларга жиҳдий киришмоқда.

Бир неча йил аввал гектаридан 70-80 центнер пахта ҳосили олиш орзу бўлиб кўринган бўлса, бугун бу натижа реал кўрсаткичга айланди. Ҳатто бундай юқори ҳосилдорликка интилаётган фермерлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Тахлилларга кўра, 2025 йилда юқори ҳосил олувчи фермерлар сони 3 мингдан зиёд бўлган, жорий йилда эса 3,5 баробар кўпайиб, 10 мингдан ортиши кутилмоқда. Бу эса мамлакатимиздаги фермерларнинг қарийб 40 фоизини ташкил этади. Мазкур рақамлар ортда оддий статистика эмас, балки қишлоқ хўжалигидаги янги тафаккур, илмга суянган ёндашув ва меҳнат маданиятининг юксалиши мужассам.

Ғаллачилик соҳасида сезиларли ўсиш кузатилмоқда. Бугун гектаридан 70-100 центнердан ҳосил олаётган фермерлар сони 10 мингдан ошди. Ақсарият фермерлар юқори ҳосилини энди тасодиф эмас, балки илмий ёндашув, тўғри агротехника ва интизомли меҳнат самараси сифатида қабул қилмоқда.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бу натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бугун қишлоқ хўжалиги соҳасига кенг қўламли ёрдам ва қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилмоқда. Айни пайтда соҳада 50 турдан ортқ субсидия ва имтиёз амал қилмоқда. Минерал ўғит, ёқилги, уруғчилик, техника,

сув тежовчи технологиялар ҳамда бошқа йўналишларда ажратилаётган маблағлар фермерларга катта мадад бўлипти.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигидаги айрим муаммолар масалалар, айниқса, ёқилги нархининг биржада кўтарилиши қисми

Абдушукр РАҲИМОВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси ўринбосари

МОЗИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЎРТАСИДА МУСТАҲКАМ КЎПРИК



Дунё хазиналарини тўлдириб турган минг-минглаб ёдгорликлар ҳар бир халқнинг ўтмиш маданиятини ўзида акс эттиради. Уларда миллатнинг бой маънавий ва маданий мероси, қадим урф-одати, эътиқоди билан боғлиқ қўллаб маълумотлар жамланган. Жамиятнинг тарихий хотирасини тиклаш, цивилизациялар тараққиётининг ички қонуниятларини англаш ва инсон таърибасининг ўзвийлигини очиб беришда археолог ёдгорликлар ва осори атиқаларнинг ўрни алоҳида.



Суҳбат

Моддий маданият намуналари орқали халқларнинг шаклланиш жараёни, маданий алоқалари, иқтисодий муносабатлари ва маънавий қарашлари ҳақида илмий асосланган ҳусласар чиқариш мумкин. Бу эса миллий ўзликини англаш жараёнини аниқ илмий далилларга таянган ҳолда мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЎзФА Антропология институти директори, тарих фанлари доктори Фарҳод МАҚСУДОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

Археологияни фақат тарихни ўрганиш воситаси сифатида тушуниш тўғри эмас. У, аввало, ўтмишни илмий асосда тиклашга хизмат қиладиган фундаментал фан. Археологик манбалар эса ёзма манбалар етишмайдиган ёки умуман мавжуд бўлмаган даврлар ҳақида ишончли маълумот берувчи асосий далиллардир. — дейди Ф.Мақсудов. — Шу билан бирга, археология миллат ўзлигини англаш ва намоён этишда ҳам беқисс аҳамиятга эга. Чунки археологик топилмалар орқали халқимизнинг қадимий илidlарини, маданий мероси, давлатчилик анъаналари ва тараққиёт йўли яққол намоён бўлади. Бу эса жамиятда тарихий хотирани мустаҳкамлаш, миллий гурур ва ифтихор туйғусини шакллантиришга хизмат қилади. Бироқ бу ўринда муҳим жиҳатни таъкидлаш жоиз: археология илм сифатида ҳар қандай ғоявий ёки сиёсий талқинлардан холи бўлиши, фақат далил ва илмий таҳлилга асосланиши керак. Шундагина у ҳақиқий тарихни тиклаш ва миллатнинг ўзлигини соғлом, илмий асосда намоён этишда қўл келади.

— Антропология институтида бугун эътиборга молик қандай ишлар қилинмоқда?

— Институтиимиз 2019 йили Миллий археология маркази сифатида ташкил этилган. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, у Антропология институти деб номланди. Айни пайтда институтиимиз олимлари 20 га яқин археологик ёдгорликда тадқиқотлар ўтказмоқда. Инсониятнинг ўтмишини тиклаш, тарихий ҳақиқатни аниқлаш ва маданий меросни асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодга бус-бутун етказишда ушбу тадқиқотларнинг ўрни алоҳида. Қазув ишларининг кенг қамровда бажарилиши ва маданий меросни сақлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар тарих ва замонавий тараққиёт ўртасида мустаҳкам кўприк ўрнатишга хизмат қилмоқда.

Археология бугун илм-фан ва давлат сиёсати ўртасида муҳим стратегик бўгин сифатида намоён бўлмоқда. Бир томондан у ўтмишни илмий асосда ўрганадиган фундаментал фан бўлса, иккинчи томондан давлатнинг маданий меросни сақлаш, миллий ўзлигини мустаҳкамлаш ва туризмин ривожлантириш сиёсатида амалий аҳамият касб этмоқда.

Давлат сиёсатида археологияга қаратилётган эътибор, энг аввало, ҳуқуқий ва институционал асосларни мустаҳкамлашда намоён бўлаётди. Археологик ёдгорликларни муҳофизат қилиш ва давлат муҳофазасига олиш, ноқонуний қазии ишларининг олдини олиш каби чоралар орқали маданий меросни сақлаш тизими шакллантирилляпти. Бу эса археологияни фақат академик соҳа эмас, балки миллий хавфсизлик ва маданий суверенитет масаласи даражасига кўтармоқда. Масалан, Ахсицентда археологик парк ташкил этилган. Бу ишлар нафақат илм-фан, балки туризм ва маданий сиёсат учун ҳам муҳим натижа беришда қўл келади.

хеологияни фақат академик соҳа эмас, балки миллий хавфсизлик ва маданий суверенитет масаласи даражасига кўтармоқда. Масалан, Ахсицентда археологик парк ташкил этилган. Бу ишлар нафақат илм-фан, балки туризм ва маданий сиёсат учун ҳам муҳим натижа беришда қўл келади.

— Антропология институтида бугун эътиборга молик қандай ишлар қилинмоқда?



моқда. Археология фақат ўтмишни ўрганиш эмас, балки келажакни шакллантиришда ҳам фаол иштирок этадиган соҳага айланган.

— Соҳада қандай замонавий технологиялар қўлланылган? Улар археология ривожига нечоғлиқ ҳисса қўяпти?

— Бугун археологияда GIS, дроплар, 3D моделлаштириш, радиокарбон таҳлил ва геофизик усуллар кенг қўлланылган. Жумладан, Миллий археология маркази Антропология институти деб қайта номлангандан сўнг илмий бўлимлар тубдан ислоҳ қилинди ва қайта номланди. Хусусан, энди институтида археологик антропология, геантропология, тарихий антропология ва ижтимоий-маданий антропология бўлимлари фаолият юритмоқда. Шунингдек, Антропология институти таркибидан янги — археологик геофизика бўлими ташкил этилди ва таркиби геофизик мутахассислар билан тўлдирилди. Ушбу бўлим замонавий геофизик технологиялар ёрдамида археологик ёдгорликларнинг ер ости маданий қатламлари ва қурилма шакллари, чуқурлик ва ҳолатини аниқлаб, анъанавий қазии ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда нотўғри қазии ортидан келадиган хавфларни камайтиришга хизмат қилади.

Маданий меросни муҳофиза қилиш, илмий тадқиқотларни аниқ ва кенг қамровда амалга оширишда ушбу усуллар алоҳида аҳамиятга эга. Бу технологиялар археология мазмунини ўзгартирмаёпти, балки уни янада аниқ ва комплекс фанга айлантирмоқда.

— Институтининг халқаро лойиҳалардаги иштирокига ҳам тўхтайсизми?

— Халқаро лойиҳаларда иштирок этиш археология соҳаси учун жуда катта илмий, методологик ва амалий имкониятлар яратди. Биринчидан, бу миллий археологияни жаҳон илмий маконига интеграция қилиш имконини беради. Ўрни маҳаллий тадқиқотлар фақат ички доирада эмас, балки халқаро илмий стандартлар, замонавий ёндашувлар ва янги технологиялар асосида амалга оширилади.

моқда. Археология фақат ўтмишни ўрганиш эмас, балки келажакни шакллантиришда ҳам фаол иштирок этадиган соҳага айланган.

— Соҳада қандай замонавий технологиялар қўлланылган? Улар археология ривожига нечоғлиқ ҳисса қўяпти?



моқда. Археология фақат ўтмишни ўрганиш эмас, балки келажакни шакллантиришда ҳам фаол иштирок этадиган соҳага айланган.

— Соҳада қандай замонавий технологиялар қўлланылган? Улар археология ривожига нечоғлиқ ҳисса қўяпти?

— Бугун археологияда GIS, дроплар, 3D моделлаштириш, радиокарбон таҳлил ва геофизик усуллар кенг қўлланылган. Жумладан, Миллий археология маркази Антропология институти деб қайта номлангандан сўнг илмий бўлимлар тубдан ислоҳ қилинди ва қайта номланди. Хусусан, энди институтида археологик антропология, геантропология, тарихий антропология ва ижтимоий-маданий антропология бўлимлари фаолият юритмоқда. Шунингдек, Антропология институти таркибидан янги — археологик геофизика бўлими ташкил этилди ва таркиби геофизик мутахассислар билан тўлдирилди. Ушбу бўлим замонавий геофизик технологиялар ёрдамида археологик ёдгорликларнинг ер ости маданий қатламлари ва қурилма шакллари, чуқурлик ва ҳолатини аниқлаб, анъанавий қазии ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда нотўғри қазии ортидан келадиган хавфларни камайтиришга хизмат қилади.

Маданий меросни муҳофиза қилиш, илмий тадқиқотларни аниқ ва кенг қамровда амалга оширишда ушбу усуллар алоҳида аҳамиятга эга. Бу технологиялар археология мазмунини ўзгартирмаёпти, балки уни янада аниқ ва комплекс фанга айлантирмоқда.

— Институтининг халқаро лойиҳалардаги иштирокига ҳам тўхтайсизми?

— Халқаро лойиҳаларда иштирок этиш археология соҳаси учун жуда катта илмий, методологик ва амалий имкониятлар яратди. Биринчидан, бу миллий археологияни жаҳон илмий маконига интеграция қилиш имконини беради. Ўрни маҳаллий тадқиқотлар фақат ички доирада эмас, балки халқаро илмий стандартлар, замонавий ёндашувлар ва янги технологиялар асосида амалга оширилади.

орқали таҳлил қилади. Бунда Scopus ва Web of Science каби халқаро индексланган базаларда эълон қилинган мақолалар ва улардан олинган иқтибослар кўрсаткичи алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, 2025 йил якунига кўра, Антропология институти олимлари 17 та илмий мақола чоп этириб, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги етакчи илмий таъкилотлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. 2030 йилга қадар ҳар бир илмий ходимнинг йилига камидан бир марта Scopus ёки Web of Science базаларида индексланган нуфузли журналларда мақола чоп этириши бўйича аниқ стратегия ишлаб чиқилган. Қатор тадқиқотлар замонавий илмнинг ривожланиш мезонларига ҳам мос равишда илгарилаб бораётганини таъкидлаш мумкин.

— Археологик ёдгорликларни сақлашда қандай муаммолар учрамоқда?

— Ўзбекистонда археологик ёдгорликларни сақлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса-да, амалиётда қатор объектив ва тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Биринчидан, антропоген таъсир, яъни инсон омилли билан боғлиқ бузилишлардир. Қишлоқ хўжалиги майдонининг кенгайиши, қурилиш ишлари ва инфратузилма лойиҳа-туғдирмоқда. Айниқса, очиқ сақланаётган иншоотлар вақт ўтиши билан табиий емирилишга учрамоқда. Бешинчидан, кадрлар ва жамоатчилик иштирокининг етарли даражада эмаслиги ҳам айрим ҳолларда сезилади. Археологик мерос фақат мутахассислар эмас, балки маҳаллий аҳоли, таълим тизими ва кенг жамоатчилик иштирокида сақлангандагина қадри бўлади. Сўнгги йилларда бу йўналишда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Жумладан, ёдгорликларни давлат муҳофазасига олиш, рақамлаштириш, GIS тизимларини жорий этиш ва музейлаштириш ишлари кенгаётди.

— Ёш археологлар учун қандай имкониятлар мавжуд?

— Ёшлар археологик экспедицияларда иштирок этиб, амалиёт ўтаётти. Шунингдек, халқаро лойиҳалар, грантлар ва стажировкалар орқали замонавий методларни ўзлаштириш имконига эга. Масалан, Германия, АҚШ, Италия ва бошқа давлатлар университетлари билан ҳамкорликдаги археологик дастурлар ёш мутахассисларга замонавий методлар — GIS, 3D моделлаштириш, радиокарбон таҳлил ва рақамли археология бўйича тажриба орттириш имконини бермоқда. Рақамли археология ва замонавий технологиялар жорий



лари баъзи ҳолларда археологик қатламларга салбий таъсир кўрсатаётди.

Иккинчидан, ноқонуний қазиишмалар ва “қора археология” ҳанузгача жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса фақат моддий йўқо-тиш эмас, балки тарихий маълумотнинг йўқо-лиши демакдир.

Учинчидан, молиявий ва техник ресурслар чеклангани ҳам долзарб масала. Археологик тадқиқотлар катта маблаг, замонавий лаборатория ускуналари ва малакали кадрларни талаб қилади.

Тўртинчидан, табиий омиллар — иқлим ўзгариши, ер эрозияси, шамол ва намлик таъсири ҳам қўллаб ёдгорликлар учун хавф

туғдирмоқда. Айниқса, очиқ сақланаётган иншоотлар вақт ўтиши билан табиий емирилишга учрамоқда. Бешинчидан, кадрлар ва жамоатчилик иштирокининг етарли даражада эмаслиги ҳам айрим ҳолларда сезилади. Археологик мерос фақат мутахассислар эмас, балки маҳаллий аҳоли, таълим тизими ва кенг жамоатчилик иштирокида сақлангандагина қадри бўлади. Сўнгги йилларда бу йўналишда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Жумладан, ёдгорликларни давлат муҳофазасига олиш, рақамлаштириш, GIS тизимларини жорий этиш ва музейлаштириш ишлари кенгаётди.

— Ёш археологлар учун қандай имкониятлар мавжуд?

— Ёшлар археологик экспедицияларда иштирок этиб, амалиёт ўтаётти. Шунингдек, халқаро лойиҳалар, грантлар ва стажировкалар орқали замонавий методларни ўзлаштириш имконига эга. Масалан, Германия, АҚШ, Италия ва бошқа давлатлар университетлари билан ҳамкорликдаги археологик дастурлар ёш мутахассисларга замонавий методлар — GIS, 3D моделлаштириш, радиокарбон таҳлил ва рақамли археология бўйича тажриба орттириш имконини бермоқда. Рақамли археология ва замонавий технологиялар жорий

туғдирмоқда. Айниқса, очиқ сақланаётган иншоотлар вақт ўтиши билан табиий емирилишга учрамоқда. Бешинчидан, кадрлар ва жамоатчилик иштирокининг етарли даражада эмаслиги ҳам айрим ҳолларда сезилади. Археологик мерос фақат мутахассислар эмас, балки маҳаллий аҳоли, таълим тизими ва кенг жамоатчилик иштирокида сақлангандагина қадри бўлади. Сўнгги йилларда бу йўналишда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Жумладан, ёдгорликларни давлат муҳофазасига олиш, рақамлаштириш, GIS тизимларини жорий этиш ва музейлаштириш ишлари кенгаётди.

— Ёш археологлар учун қандай имкониятлар мавжуд?

— Ёшлар археологик экспедицияларда иштирок этиб, амалиёт ўтаётти. Шунингдек, халқаро лойиҳалар, грантлар ва стажировкалар орқали замонавий методларни ўзлаштириш имконига эга. Масалан, Германия, АҚШ, Италия ва бошқа давлатлар университетлари билан ҳамкорликдаги археологик дастурлар ёш мутахассисларга замонавий методлар — GIS, 3D моделлаштириш, радиокарбон таҳлил ва рақамли археология бўйича тажриба орттириш имконини бермоқда. Рақамли археология ва замонавий технологиялар жорий

юқори технологик тадқиқотлар тизимига айлантиришга қаратилган. Бу йўналишлар 2035 йилгача бўлган стратегик дастур доирасида белгиланган бўлиб, фундаментал ва амалий блоклардан иборат.

Фундаментал йўналишларда асосий эътибор жамият ва табиий муҳит ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганишга қаратилган. Жумладан, геантропология, археоботаник, археозоология ва биоархеологик тадқиқотлар асосида инсоннинг экологик мослашуви, табиий ресурслардан фойдаланиш динамикаси ҳамда маданий ландшафтларнинг шаклланиш қонуниятлари ўрганилади. Шу билан бирга, урбанизация жараёни, шаҳар маданияти ривожланиши, ижтимоий табақаланиш ва маданий трансформациялар динамикаси ҳам комплекс таҳлил қилинади. Археогеофизик усуллар ва рақамли моделлаштириш орқали қадимий шаҳарлар ва меъморий иншоотларнинг тарихи топографияси ҳам қайта тикланади. Хусусан, жорий йилда University of Warsaw билан ҳамкорликда янги археологик лаборатория очилади. Бу орқали тадқиқотларни халқаро даражага олиб чиқиш мақсад қилинган.

Келгуси режаларимиз археологияни глобал илм-фан тизимига тўлиқ интеграция қилиш, замонавий технологиялар билан бойи-тиш ва халқаро ҳамкорлиқни янги bosқичга олиб чиқишга қаратилган. Бу эса нафақат илмий натижаларни кучайтириш, балки Ўзбекистон археология мактабини жаҳон даражасидаги етакчи марказлар қаторига олиб чиқишга хизмат қилади.

— Давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 майдаги “Янги авлод илмий кадрларини тайёрлаш ва уларни аттестация қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида Антропология институти олимлари олдида қандай вазифалар қўйилган?

— Фармонда илмий кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишларини мамлакатнинг узоқ мuddатли тараққиёт мақсадлари билан боғлаш белгиланган. Бу эса антропология тадқиқотларининг аҳамиятини янада оширади. Энди докторантлар мавзуларини шакллантиришда уларнинг мамлакат учун амалий аҳамияти, ижтимоий эҳтиёжларга жавоб бериши ва аниқ натижа кўрсатишига катта эътибор қаратилади.

Натижада қатор янгиланишлар кўзда тутилмоқда. Аввало, ёш тадқиқотчиларни тайёрлаш тизимини халқаро талабларга мослаштирилади. Докторантларнинг илмий раҳбарлари билан ишлаш механизми такомиллаштирилиб, уларнинг халқаро илмий мактаблар билан ҳамкорлиги кенгайтирилади. Илмий натижаларни нуфузли халқаро журналларда чоп этириш, замонавий тадқиқот усулларини ўзлаштириш ва рақамли технологияларни кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилди.

Фармоннинг муҳим жиҳатларидан бири илм-фан ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни кучайтиришдир. Хусусан, амалий докторантура дастурининг жорий этилиши илмий тадқиқотларнинг реал эҳтиёжлар билан уйғунлашувига хизмат қилади. Антропология соҳасида бу демографик таҳлиллар, миграция жараёналари, этномаданий меросни ўрганиш, жамоаларнинг ижтимоий ривожланиши ва инсон омилли билан боғлиқ давлат дастурларига илмий асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш имкониятини кенгайтиради.

Шунингдек, илмий кенашлар фаолиятини модернизация қилиш ва диссертациялар сифатига қўйилаётган талабларнинг оширилиши соҳада рақобат муҳитини кучайтиради. Бу эса илмий даражаларнинг нуфузини ошириб, ҳақиқатан ҳам янги билим ярато оладиган тадқиқотчиларни шакллантиришга хизмат қилади.

Бугун антропология соҳасида археология, тарих, генетика, геоахборот тизимлари, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни бирлаштирган кўп тармоқли тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда. Янги сиёсат ана шундай интеграциялашган ёндашувларни қўллаб-қувватлайди.

Умуман олганда, мазкур фармонини Ўзбекистон илм-фани ривожига муҳим бурилиш нуқтаси деб баҳолаш мумкин. Унинг амалий натижалари яқин йилларда илмий кадрлар сифати ошиши, халқаро майдонда рақобатбардор тадқиқотлар сони кўпайиши ва илм-фаннинг мамлакат тараққиётидаги ўрни янада мустаҳкамланишида намоён бўлади. Антропология институти эса ушбу жараёнларнинг фаол иштирокчиларидан бирига айланиши шубҳасиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.



Тўнгич фарзанди 7 ёшга тўлган ота-оналар учун хаяжонли кунлар келди. 20 июндан мамлакатимизда 1-синфга қабул жараёни бошланди. Жорий ўқув йилида қарийб 800 минг ўғил-қиз мактабда илк бор қадам қўяди. Ёнг кўп ўқувчи эса Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Андижон вилоятларидаги умумтаълим мактабларига қабул қилинади.

ИЛМ САРИ ИЛК ҚАДАМ

МАМЛАКАТИМИЗДА 1-СИНФГА ҚАБУЛ БОШЛАНДИ



“Қабул — 2026”

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан 2026/2027 ўқув йилида 1-синфга қабул жараёнини мувофиқлаштириш мақса-дида республикамизнинг барча ҳудуди бўйлаб штаблар фаолияти ташкил этилган. Улар онлайн ва офлайн қабул жараёнини мувофиқлаштириб, душанбадан жумага қадар соат 09:00 дан 17:00 гача ишлайди.

Таълим тизимига рақамлаштириш кенг жорий этилаётгани 1-синфга қабул жараё-нида ҳам ота-оналарга қатор енгилликлар яратяпти. Вазирлар Маҳкамасининг тегиш-ли қарори билан 1-синфга онлайн қабул, яъни давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-тамоийлар белгилаб берил-

ган. 1-синфга электрон қабул жараёни ўтган ўқув йилида 64 та туман ва шаҳарда амалга оширилган бўлса, бу йил 135 та туман ва ша-ҳарларда ушбу тизим орқали қабул ташкил этилмоқда. Бундай қабул усули ортқича ово-рагарчиликларга тўлиқ барҳам бераётгани боис келгуси йилларда мазкур кулайлиқни республикамизнинг барча туман ва шаҳарла-рида жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Электрон аризалар Мактабгача ва мак-таб таълими вазирлигининг my.maktab.uz электрон платформаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали — my.gov.uz ор-қали юборилади. Бунда телефон рақами ор-қали рўйхатдан ўтилди. Вазирлик масъули Нодир Хайитовнинг таъкидлашича, бу йилги қабул тартибида ота-оналар учун яна бир му-ҳим қўлайлик яратилди. Электрон хизматлар портали (my.maktab.uz)нинг интерфейси тў-лиқ янгиланиб, замонавий ва тушунарли кў-ринишга келтирилди.

Бу йилдан бошлаб OneID тизими орқа-ли ҳам рўйхатдан ўтиш ҳамда онлайн ариза юбориш мумкин. Ушбу имконият ота-оналар учун телефон рақамини тизимда аниқлаш би-

лан боғлиқ ноқўлайликларга чек қўяди. Бун-дан ташқари, кўпчилик ота-оналар ўзларига бириктирилган мактабни билмайди. Энди улар my.maktab.uz платформасига яшаш

манзилни киритиш орқали фарзандлари 1-синфга қабул қилинадиган мактаб (микро-худуд бўйича) ва у ҳақдаги маълумотларни осонгина билиб олиши мумкин. Электрон ариза юбораётган шахс яшаш манзили ва фарзанди ҳақидаги маълумотлар-ни киритиб, сўровномани тўлдирди. Тизим автоматик тарзда микрохўдудга бирикти-рилган мактабни белгилайди. Аризачидан фақат таълим тилини танлаш талаб этила-ди. Киритилган маълумотларнинг тўғрилиги тасдиқлангач, “Аризани юбориш” тутмаси босилади. Юборилган ариза 3 иш кунини ичи-да ўрганилади. Шундан сўнг аризачи электрон

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



yuz.aznews



yuz.official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

Уй-музейларда

ЎТИШ ДАВРИ ТАРИХИДА
ЁРУҒ БИР ЧИРОҚ

Бехбудийнинг тарихий хизматлари шу даражада буюкки, уларни бирма-бир санаб ва изоҳлаш нихоятда мушкул. Миллий журналистика, адабиёт, таълим билан бир қаторда миллий давлатчилик, минтақавий яқдиллик тараққиётига ҳам улкан ҳисса қўшди. Унинг раҳбарлигида жадидлар миллий давлатчилик қуриш учун ҳаракат қилди. У биринчилардан бўлиб миллий мустақиллик ғоясига асос солди. Ёшларни буюк аждодлари, бой маданий мероси билан фахрланишга, асрий анъаналарга эга кадриятларни асраб қолишга даъват қилди. Шу олий мақсадлари йўлида кўплаб ишларни амалга ошириб, миллат зехнати, маънавиятини рағнақ топтирди.

Бехбудий “Туркистон жадидларининг отаси” деган сарафли унвонга сазовор бўлган, чунки у Самарқандда ўзига хос илмий-маърифий муҳит яратган. Масалан, унинг ташаббуси ва ғайрати билан 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Халвойи маҳалласида, Абдулқодир Шакурий билан биргаликда Ражабамин маҳалласида янги мактаблар ташкил этилди. Биринчи хона ҳисобланмиш “Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳаёти ва ижоди” экспозициясида намоиш этилаётган “Мухтасар тарихий ислом”, “Алифбои мактаби исломия”, “Амалиётис исломия”, “Матқали жуғрофия умрони” асарлари ана шу янги усул мактаблари учун дарслик сифатида яратилган.

Экспозицияда Бехбудий билан бир даврда ижод қилган жадидлар асарлари ҳам намоиш этилган. Булар Саид Вазлий қаламига мансуб “Маданият ва зоифа шарияти исломия”, Саид Аҳмад Сиддиқий қаламига мансуб ва Абдулқодир Шакурий томонидан chop этилган “Анжумани арвоҳ”, Мунавварқори қаламига мансуб “Ислом ақидалари”, Абулқосим Охунзода Ганжийнинг “Рисолаи тиходия”, Абдулқодир Шакурийнинг “Жоми ул-ҳикойт” асарларидир.

Иккинчи хона “Бехбудий ижодхонаси” деб номланади. Унинг ижодхонасини қўраётиб бериш учун тақдим этилган стол, стуллар, шкаф, девор соати XIX аср охири — XX аср бошларида тааллуқлидир. Ўшбу жиҳозлар Туркистон ўлкасига кўп миқдорда олиб келинган, бу ерда мазкур мебеллардан нафақат Чор маъмурияти, балки маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам фойдаланган. Мазкур мебеллар тўплами XIX асрнинг охириги ўн йиллиги — XX аср бошларида (асосан, Биринчи жаҳон урушигача) кенг тарқалган меъморлик, амалий ва тасвирий санъатдаги баъдий йўналиш бўлган модерн услубида тайёрланган.

Экспозицияда, шунингдек, Бехбудий ва унинг замондошлари томонидан кенг фойдаланилган одатий уй-рўзгор буюмлари: китоб ўқиш учун лавх, қаламдон, китоб ташуш учун сумкалар ҳам намоиш этилмоқда. Бу пайтда ёзув машинкалари ҳам Туркистон ҳудудида кенг тарқалган бўлиб, ундан асосан маъмурият вакиллари, зиёли қатлам, олимлар ва ноширлар кўпроқ фойдаланган эди. Ёзув машинкасининг Бехбудий яшаб, ижод этган даврда Туркистонда кенг тарқалган, 1903 йилдан ишлаб чиқарила бошланган “Континентал” тури мазкур экспозицияда намоиш этилмоқда.

Айни даврда расм бўла бошлаган телефон аппарати ва стол соати ҳам ижодхона интерьерини безаб турибди. Туркистон ўлкасининг йирик шаҳарлари — Янги Марғилон, Кат-



Бехбудийнинг замондошлари, сафдошлари ва шоғирдлари бўлимида алоҳида ўринни арча қилиги ва тут дарахтидан қўлда ясалган глобус эгаллайди. Унинг юзасида лак билан қопланган материклар, океанлар ва денгизлар, тоғлар ва турли мамлакатларнинг контурлари акс эттирилган. Экваторнинг



кенг чизиғида ўн иккита бурж белгиси тасвирланган. Глобус Маҳмудхўжа Бехбудий замонида бошқа фанлар қаторида география ва картография ҳам ривожланганининг белгисидир.

“Нашриёти Бехбудия”

Витриналарнинг бирида XIX аср охири — XX аср бошларида ватанимиз ҳудудида фойдаланилган асосий мусиқа асбоблари — доира, қашқар ва афгон



тақўрғон билан бирга Самарқандда ҳам 1876 йилдаёқ телеграф алоқаси ташкил этилган эди. Стол чирғи эса ўша даврга хос модерн услубида ясалган бўлиб, у ёритишдан ташқари хона беағи сифатида ҳам хизмат қилган ва ўз даврининг зиёлилари иш хоналарига ўрнатилган.

рубоблари, най намоиш этилган. Мусиқа асбобларининг хилма-хиллиги шуни кўрсатадики, Ўрта Осиё ҳудудида Эрон, Қашқар, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва бошқа минтақалар мусиқий анъаналари таъсирида ўзига хос мусиқа маданияти шаклланиган.

1917 йилги февраль ва октябрь ойларида Россия империяси ва жаҳон сиёсий саҳнасида рўй бераётган ўзгаришларни зийраклик билан кузатиб ва ватанпарвар инсон сифатида Туркистоннинг келажаги ҳақида чин дилдан қайғуради, бор куч-ғайратини миллиetni уй-ғотишга бағишлайди. Бехбудий публицистик мақолаларида тарих фанига алоҳида урғу бериб, “Мозий истиқболнинг тарозусидир”, “Деган эди. “Кутубхонаи Бехбудия”нинг ҳам 70 фоиздан кўп китоблари тарих фанига тегишли эди. Ўзи ҳам тарих ва география фанлари билан жиддий қизиқиб, бир қатор мақолалар ва китоблар ёзган.

“Қасди сафар”

1914 йил 29 майда Бехбудий иккинчи марта Ҳижоз сафарига чиқади. Икки ой ичида Кавказ, Қрим, Истанбул, Юнонистон, Байрут, Миср Қоҳира ва яна орқага — Истанбулга қайтиб, темир йўл билан Булғористон, Австрия ва Берлин орқали Россияга ва ундан Туркистонга қайтган.

Ўз сафари ҳақида у “Ойина” журналининг 1914 йилдаги қатор сонларида “Қасди сафар” мақолаларини chop этиди. Бу сафар натижаси адабиётимиздаги мемуар жанрининг XX аср бошидаги ўзига хос намунаси, ҳам маърифий, ҳам баъдий-эстетик жиҳатдан нихоятда муҳим асар — “Қасди сафар”ни дунёга келтирилгани тарихий ҳодиса бўлиб қолди.

Бехбудий унда йўл таассуротлари, машхур ёки оддий кишилар билан учрашувларининг ибратли жиҳатларига кенг ўрин беради. Қайси шаҳарга бормасин, унинг тарихи, обидалари, у ердаг қишқан буюк зоғлар ҳақида маълумотлар тўплайди, турли-туман миллатлар, уларнинг урф-удумлари, турмуш маданияти билан қизиқади. Ўз навбатида, “Ойина” журналида chop этилган “Қасди сафар” Маҳмудхўжа Бехбудийнинг жадидона тафаккурда ўрин топган кирраларини, ижтимоий-фалсафий қарашлари тизимини равшан акс эттирувчи манба сифатида ҳам қадрили ҳисобланади.

— Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1899 йилдаги биринчи ҳаж сафари вақтида унинг дунёқарashi ва тафаккурдаг кескин ўзгаришлар юз берди. Ҳаж сафари муносабати билан унинг Қримда бўлиши, Туркия, Арабистонни кезиши, нихоят, Исмоил Гаспринский билан мулоқотлари Бехбудийнинг онгида кескин ўзгаришлар ясади, — дейди Гулмуҳаммад Аҳмедов. — Маҳмудхўжа Бехбудий 1901 йилдаёқ жадидчилик ғояларини маъқул топади ва бу ҳаракатга қўшилиди. Туркистондаги миллий уйғониш даври Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўз публицистик фаолиятини бошлаган пайтга тўғри келган. Шу вақтда у “Туркистон виллояти газети”га мақола ёза бошлайди. Бундан ташқари, у Кавказ ва Татаристонда chop этилаётган “Таржумон”, “Тирик сўз”, “Вақт” каби газета-журналларда адабий, илмий, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолалари билан фаол қатнашди. Маҳмудхўжа Бехбудий нафақат Шарқ, балки Россияда яшаётган мусулмонлар ҳаётини ҳам кузата бошлайди ва юртдошлари ҳолатини европалик халқлар турмуши билан солиштиришга интилади.

Тарих саҳнасига чиққан жадидлар, чунончи, Маҳмудхўжа Бехбудий маърифатпарварлик қарашларининг мазмун-моҳияти, ғоявий асослари анъанавий ислом, шарият, тасаввуфдан тортиб, замонавий Оврўпа позитивист фалсафа усулларига ҳам асосланишдан иборат эди. Жадидларнинг назарий қарашларида иккита муҳим хусусият кўзга ташланади: мустаҳкам ирсий илдиш ҳамда Шарқ ва Ғарб маърифатчилари, файласуфларининг назарий меросини эгаллашга интилиш.

Самарқанд мусулмон маориф шўъбаси мудири

— Бехбудий сиёсий арбоб сифатида Россия империяси доирасидаги Россия мусулмонлари иттифоқи партияси курултойларида фаол иштирок этди. Россиядаги мавжуд

йирик сиёсий партияларни ўрганиб, улардан социал-демократларни, айниқса, большевикларнинг қарашларини танқид остига олади ва уларни ҳатто хавфли оқим сифатида қоралаган эди. У монархиячилар партияси қарашларидаги маҳдудлик сабабли уларга ҳам қарши чиқади, босқил билан кураш олиб бориб, барча мусулмонларни бирликка чақиради. У ўша мураккаб даврда Муваққат ҳукуматини туркистонлик мусулмонлар билан тенг ҳуқуқли муносабат қилишга чақирди ва улар учун ҳукуматдан ажратиладиган ўринлар сони учдан биридан кам бўлмаслигини талаб қилади, — дейди Ҳамида Самадова. — 1918 йилда Бехбудий “Иттифок” жамияти саъй-ҳаракати билан Самарқанд мусулмон маориф шўъбасига мудири этиб тайинланади. Бироқ ташкилотдаги европалик вакиллар унга ишлаш учун ҳеч қандай имконият бермадилар. Айниқса, Осипов исёнидан сўнг авж олган бошбошдоқликлар натижасида зўравонликлар қуңдан қуңга кучаяди. Бехбудий Тошкентга сўнгги сафари давомида ҳам амалда ҳеч қандай ижобий натижага эриша олмайди. У илжосиз қолади ва барча ишларини ташлаб, соғлигини баҳона қилиб, шўроларга хизмат этишдан воз кечади.

Санаб ўтилган тарихий жараёнлар ва бевосита Туркистондаги жадидчилик сиёсий қарашларини акс эттирувчи ашёлар — varaқалар, брошюралар, Бехбудийнинг ва бошқа маърифатпарварларнинг ўз қарашлари баён этилган асарлари ҳам музейда кенг намоиш этилган.

Мақола сўнггида Туркистон халқларининг ҳуррияти ва тараққиёсига борини сафарбар қилиб, миллат пешвосига айланган, фидоийлик намунасини кўрсатган буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг юрт эртаси учун қайғурган сиймосини ва ўгли нидосини ўзининг кичик бир васиятномаси орқали кўрсатишга қарор қилдик.

Васиятнома ушбуи:

“Эй Туркистон маориф ишларида бўлгон ўртоқ ва ўғлонларим! Мен ўзим гарчанд банди бўлсам-да, сизларни эсимдан чиқармайман ва сизларга бир оз васият қилиб ўтаман. Мани севадур ўртоқларим! Маним сўзларимни қулоқларингизга олинлар! Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳарларида банди бўлиб туриб, охир ўн қуңдан бери бу ерда (Қарши шаҳрида) бу зопимларнинг қўлига тушиб, банди бўлдик. Жаҳид — қоғирчилик отини кўтардик. Бу ердin қутилмоғимиз гумон бўлди.

Ўртоқларим Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қурбий ва Акобир Маҳдум ва ўғлонларим Вадууд Маҳдум, Абдулқодир Шакурий! Сизларга васият қиламан. Маориф йўлида ишлайтургон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ердан этингиз! Ўртадин нифқонни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмисиз қўларингиз! Ҳар иш қилсангиз, жамоат ила қилинганлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонлари йўқлангизлар! Бухоро турфугозга тезлик ила йўл бошлангизлар. Озодлиқни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Бизнинг қонимизни зопим беклардан талаб қилинганлар! Маорифни Бухоро турфугозга эжрий қилинганлар! Бизнинг отимизга мактаблар очингизлар! Бизлар уи чоода қабримизда тинч ётармиз! Маним ўғлонларимга салом етказингизлар! Бу хамроҳларимнинг авлодларидан хабардор бўлингизлар!

Ушбу васиятларимни ёзиб Аҳмадга бердим!”

Васиятнома инсоннинг орзу-армонлари ифодаси экан, улар васият соҳибининг дунёқарashi, фикрлари, сўзлари ва амалларини англатади. Улуғларнинг максад, ғоялари ҳам улуг бўлиши васиятномаси мазмунини ҳам ана шундай даражага олиб чиқади. Васиятноманинг ҳар бир банди ворислар томонидан адо этилганда руҳлар ором топади. Маҳмудхўжа Бехбудий дунёқарashi, фикрлари, сўзлари ва амаллари унинг орзу-армонларини, бизга нималарни васият қилганини англатади. Васиятларни муносиб адо этиш эса аждодларга содиқ, муносиб авлодларнинг бурчи, масъулиятидир.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли chop этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Е-майл: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Бюртма** 1-646. 30166 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳих: Насиб Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 21:55 Топширилди — 23:40